

Коровулбозор т.

“10” январ 2022 йил

Бухоро вилоят “Сувокава” ДУК Коровулбозор филиали (кейинги ўринларда “Сувокава” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиғи Ш.Салимов бир томондан ва Коровулбозор Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) ўзининг низоми (ишончнома, буйрук) асосида иш юритувчи раҳбари С.Давлатова, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузамиз.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 “Сувокава” “Истеъмолчи”га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади, “Истеъмолчи” уз урнида амалда кулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари бўйича “Сувокава” га туловларни уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2. Истеъмолчи томонидан оқава тармоғига ташланадиган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармоғидан сарф қилинган сув микдорига тенг қилиб қабул қилинади.

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул қилиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (матн давомида «Қоидалар») ва ушбу соҳадаги бошқа меъерий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “СУВОҚАВА” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи»ни шаҳар сув ва оқава сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармоғидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқава сувини қувурлар орқали қабул қилади. Коммунал тармоғидан фойдаганиш чегараси «Истеъмолчи»нинг шаҳар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармоққа уланган жойигача булган ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда халокатларни барча сув оқувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар сув ва оқава тармоғида зарурат туғилганида таъмирлаш, бошқа турдаги ишларни олиб бораётган ҳолларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огоҳлантириб, ичимлик сувини бериш ва оқава сувини қабул қилишни тўхтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вақтда туловни амалга оширмаса, “Сувокава” 7 кун давомида қарздорликни қоплаш тўғрисида огоҳлантиради, қарздорлик қопланмаса, шунингдек қарздорлик микдори шартнома умумий баҳосининг 10 фоизидан ошса сув таъминоти тўхтатилади.

2.1.5. Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва оқава сувларни узатиш тула ёки қисман тўхтатади:

- “Сувокава” корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тўхтатилганда;
- Табiiй офатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоғида кучли халокатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова қилинган «Истеъмолчи»нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойиҳасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради, улардан тугри, техник фойдаланиш ва сакланиши шартларига амал қилинишини талаб қилади.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичини, уларнинг муҳрини сакланишини ва бутунлигини кузатиб боради. Аниқланган камчиликлар юзасидан «Истеъмолчи»нинг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмолчи»га амал қилиш учун курсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юқорида курсатилган ҳужжатга қул қуйишдан бош тортеа, бу ҳолда узининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда такдим этиши шарт, у ҳолда бир томонлама тузилган далолатнома қонуний ҳисобланиб, мазкур ойда ҳисоб китоб учун ҳисобхонага тулов ундиришга қабул қилинади. Агар қелгусида мавжуд қарздорлик туланмаганида, ҳужжатлар хужалик судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга асос булади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб, етказиб берилган сув ва курсатилган оқава хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида такдим этилган ҳисоботи юзасидан, уларга ҳисобхона тулови учун ҳужжатларни такдим этади. Агар ҳисобот такдим этиш жараёнида, унда ҳатоликлар аниқланиб, тузатиш киритилган ҳолда нуҳаси қайтарилганида, Истеъмолчи томонидан мазкур узгартириш, тузатишлар юзасидан тузатилган ҳисоботларни 3 кунлик муҳлатда қайта такдим этилиши шарт, акс ҳолда бу тузатишлар билан топширилган ҳисобот асосли, ҳақиқий деб ҳисобланишига олиб қелади ва ҳақиқатда фойдаланилган микдор учун тулов амалга оширилиши талаб қилинади.

2.1.9. «Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва оқава сувларни қабул қилиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал қилиш муддатидан қаида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

2.2. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида у уз қарори ва буйруги билан ички сув етказиш тармоғига, сув улчагич асбобларига ва корхонаси ҳисоботларига жавобгар шахсини тайинлаб, “Сувокава” га уларни такдим этади.

2.2.2. Шаҳар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, “Сувокава” дан белгиланган тартиб асосида Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш еки оқава сувларни узатиш тармоғининг ва узига тегишли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашиш лойиҳасини такдим этади. «Истеъмолчи» шаҳар сув еки оқава сувларни узатиш тармоғига уланиш еки ундан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.

2.2.3. Хар ойнинг 20-25 чи саналари ичида хисобот «Илова 1» такдим этади ва “Сувокава” нинг ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида хар 1 метр куб ичимлик суви учун _____ сум. 1 метр куб оқава сувларни қабул қилиш учун 0 сум ва ушбу шартнома буйича курсатилган бошка туловларни уз вақтида тулаб боради.

2.2.4. Сув улчаш йигмасини (сув улчаш ва учиреш асбоби) шаҳар сув тармоғига уланган хар бир қувурига Қоида асосида қулай ва химояланган жойда урнатади. Сув улчагич йигмаси харид қилиниши «Истеъмолчи» зиммасига юкланади ва сув улчагич қурилмаси, унинг техник соз ҳолати буйича жавобгар хисобланиб, улчагични Давлат стандарти қуригидан 2 йилда 1 марта уз хисобидан утказиши шарт. «Истеъмолчи»га бу учун 1 ой муҳлат берилади. Белгиланган муддат ичида қиёсловдан утказилмаган тақдирда сув сарфи 3.4 бандга асосан хисобланади.

2.2.5. Истеъмолчи сув улчагич йигмасидаги муҳрларнинг сакланишини назорат қилади ва бузилган еки сув улчагич ишдан чиққан ҳолларда “Сувокава” га уч кун давомида езма равишда хабар беришни уз зиммасига олади. Хабар берилмаган тақдирда ёки “Сувокава” ходими томонидан аниқланган ҳолатида сув сарфи белгиланган тартиб асосида хисобланади (шартноманинг 3.4 банди). Сув улчаш асбоблари «Узстандарт» органлари еки уларнинг ваколатли қорхоналари томонидан текширилишини ва муҳрланишини, ҳамда доимий текширувидан утишини уз хисобидан таъминлайди. Сув улчаш асбобини таъмирлаш еки алмаштириш, текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин “Сувокава” га хабар беради ва унинг вақили билан сув улчагични охириги курсатмаларни тасдиқлайди.

2.2.6. “Сувокава” вақилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини ва сув тармоғини исталган пайтда бирор бир тусқинликсиз қуздан кечирешни таъминлаши шарт.

2.2.7. Узига тегишли сув ва оқава сувларини узатиш тармоғи, иншоот ва усқуналарнинг техник ҳолатини, фойдаланиш тартибини керакли равишда назорат қилади, уз ҳудудида ичимлик сувининг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф қилиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.8. Шаҳар сув тармоғига ноқонуний улангани, фойдаланилаётган сув усқуналарининг носозлиги ва уз ҳудудидаги ичимлик сувидан беҳисоб, тежамсиз сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва оқавадан фойдаланиш қоидалари» асосида жавоб беради.

2.2.9. Уз ҳудудидаги сув тармоғи лойихасини узғаришини, сув-Истеъмолчиларнинг уланиш истагини “Сувокава” га хабар беради, уларни алоҳида сув улчагич асбоблари урнатишини ва “Сувокава” билан тегишли шартнома тузишни талаб қилади.

2.2.10. Хар ойнинг 20-чи қунидан то 25-гача хисобот ойида сарфланган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан имзоланиб, муҳрланиб тасдиқланган хисоботини “Сувокава” га топширади. Хисобот белгиланган муддатда топширилмаган ҳолатида шартноманинг 3.4 бандига асосан ва маълумотлар қамайтириб курсатилган ҳолларда эса ичимлик сув сарфи хисобот даври учун шартноманинг 2.1.8-бандига асосан хисобланиб, қабул қилинади.

2.2.11. Марказлашган иссик сув тармоғида сув хисоблагичи мавжуд Истеъмолчиларнинг оқава сув сарфи иссик сув улчагич курсатқичига қараб хисобланади, агар сув улчагич булмаган тақдирда 1.3 коэффицент асосида хисобланади.

III. ХИЗМАТ ХАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. 1 метр куб ичимлик сувининг нархи 4420 сум ва 1 метр куб оқава сувларни қабул қилиш учун 0 сум 0 тийин хисобланади.

3.2. «Истеъмолчи»ни мазкур харажат учун 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағ доирасида белгиланган 1623 метр куб 7 173 660сўм миқдорда ичимлик суви билан таъминлайди ва 0 метр куб 0 сўм миқдорида оқава сувларини узатиш хизматларини, жами 7 173 660сўмлик хизматлар қўрсатади.

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами йилда	бир
2022 Бюджет хисобидан тулов	7 173 660				7 173 660	
М Куб миқдорида ичимлик суви	1623				1623	
М Куб миқдорида Оқова	-	-	-	-	-	-

3.3. Сарфланган сув учун хисоб-китоб «Истеъмолчи»нинг сув улчагич курсатқичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиққан булса, биринчи ой сарфланган сув миқдори охириги уч ой даврда булган уртача ойлик сарфи буйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Истеъмолчи»нинг сув улчагич йигмаларида носозлик еки муҳрнинг йўқлиги (бузилганлиги) бартараф қилинмаган булса, ичимлик суви сарфи қувурнинг қесими буйича қунлик сарф қобилияти асосида шартноманинг 3.4 банди асосида хисобланади.

3.4. Уланган қувурнинг қесими буйича қунлик сув сарфи қуйидаги формула буйича, яъни

$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$, асосида хисобланади, бунда-сув сарф миқдори, F- қувурнинг қундаланг қесим майдони (м²), t-вақт, H-сув босими (м) сув сарфи қунлик 24 соатда, M – 060-062 га тенг булган зулфин орқали сув сарфи коэффицентини, 2g– 2х9,8 м/секундга тенг булган эркин тушиш тезлиги буйича хисобланади.

3.5. “СУВОҚАВА” «Истеъмолчи»га етказилган ичимлик суви ва бошка курсатилган хизматлари учун такдим этган хисоботи юзасидан тулов варақасини хар ой хисобот жараёнида туловни 30 кун муддат ичида амалга ошириш учун такдим қилади. Шу билан бирга Истеъмолчи тулов жараёнида хисобот ойи тулов миқдоридан ташқари қелгуси хисобот ойи учун 100% олдиндан тулов ҳақи сифатида туловни ҳам амалга ошириши шарт. Қарздорлик мавжуд булган ҳолларда хар чорак, зарурият булганда, хар ой қарздорлик буйича солиштирма далолатнома тузилади. «Истеъмолчи» уз вақтида сув сарфи учун берилган тулов варақаси ёки солиштирма далолатнома асосида туловни пул утказиш еки нақд пул орқали тулайди. Курсатилган муҳлатда пул утказилмаган тақдирда, хар бир туланмаган кун учун 0,5% жарима умумий қарздан 50%дан ошмаган ҳолда ундирилади.

3.6. “Истеъмолчи” томонидан туловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Қоидалар ва мазкур шартномада белгиланган тартибда эҳтиёж ва талабдан қелиб қикиб, сув таъминоти узиб қуйилиши мумкин. Сув етказиш “Истеъмолчи” томонидан қарздорлик ва марказий

тизимдан узиш ҳамда қайта улаш харажатлари копланганидан сунг ёки ёзма равишда қарзларни тўлашга қафолат (солиштирма долалатнома, суд қарори) берилганидан қайта уланади.

3.7. "Сувоқава" билан шартнома тузган «Истеъмолчи»нинг ички сув тармоғига бошқа истеъмолчилар гуруҳига қаршли суб-Истеъмолчилар уланган ҳолда, ушбу суб-Истеъмолчилар билан сув сарфи ҳисоб-китоб алоҳида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар уртасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган ҳолда ечилиши лозим, ечимини топмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида суд органларига мурожаат қилишлари мумкин.

4.2. Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланганда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан жинойий жавобгарликка тортилиши тугрисида огоҳлаштириб, яъни далолатнома тузиб прокуратура органларига мурожаат қилинади ҳамда сув ва қава учун зарар туловлари Қоидаларнинг 42-бади ва мазкур шартноманин 3.4-бадида асосан амалдаги тарифлар асосида ҳисобланади.

4.3. Шартномага муддати тугаши ёки шартнома умумий баҳоси микдорида хизмат кўрсатилиши билан "Истеъмолчи" 5 кунлик муддат ичида шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тугрисида мурожаат қилиши шарт, ақс ҳолда тармоқдан узиб қўйилади ва бу борадаги харажатлар копланиши талаб қилинади.

4.4. Томонлар уртасидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам, улар келтирилган зарар ва узаро қарздорлик жавобгарлигидан озод қилинмайди.

4.5. Шартноманин ғ бажарилишида ва шартномада ақс эгтирилмаган масалаларни ҳал қилишда томонлар "Қоидалар" асосида иш юритадилар.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома 2022 йил "10" январдан "31" декабргача амалда булади.

5.2. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир ҳил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилган ва томонларда сақланади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-мажор ҳолатларида.

VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА ҚИРИШИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексинин 122-моддаси ва Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850 сон билан рўйхатдан ўтган Бюджет тизими бюджетларинин ғ газна ижроси қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентинин ғ 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қароринин ғ 6-бадида асосан мазкур шартномамажбурий тартибда ғазначиликда рўйхатга олиниши шартва қақат у амалга оширилгандан кейин қучга қиради.

VII. ҲИСОБ-КИТОБ.

7.1. Сув улчағич ишлаганда сув харажати микдори сув улчағичнинг қурсатқичига қараб ҳисобланади. Агар сув улчағич ишламаганда эса бир ой муҳлатдан кейин қириш сув қувуринин ғ диаметри билан 1,5 м/секунд тезликда 24соат сутқасига сув харақатда булади деб ҳисобланади.

VII. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Қорхона»

Бухоро вилоят "Сувоқава" ДУҚ Қоровулбозор филиали

(етқазиб берувчинин ғ номи)

Манзил: Қоровулбозор ш.

Тел./факс: +998 (65)364-11-38

Х/р: 22638000600309412328

Банк номи "Ипотека Банк" АТИБ Бухоро вилоят филиали

МФО: 00088

ИНН: 201513859

«Истеъмолчи»

Қоровулбозор туман Мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувчинин ғ номи)

Манзил: Қоровулбозор туман Геолоғлар қўчаси

Тел./факс: +998(65)364-18-45

х/р: 100022860062327091100251001

ИНН:305159572


ОКОНХ:85100

Ғаз х/р: 23402000300100001010

Ғазначилик бўлинмасинин ғ номи: Қоровулбозор туман

Ғазначилик бўлинмаси

Банк номи: Марқазий банк



Рахбар

(Ф.И.Ш)

М.Ў.



Рахбар

(Ф.И.Ш)

М.Ў.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma, №7

2. Loyihaning nomi. “Ичимлик сувини етказиб бериш, оқава сувларини қабул қилиш хизматлари ва туловни амалга ошириш бўйича” то'г'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Qorovulbozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 10.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qorovulbozor tuman
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



A. Boltaev

2022 yil 10 yanvar.